

РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ОММАВИЙ СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМЛАРИ БОШҚАРУВИДА ҚЎЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жунайдуллаев Мелс Аслиддин ўғли

Бухоро давлат университети “Спорт фаолияти” кафедраси
доценти (PhD)


<https://doi.org/10.5281/zenodo.19547900>

Спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг оммавий шакли амал қилишида турли мобил иловалар, онлайн марафон ва челленжлар, спорт машғулотини бажариш бўйича видео машғулотлар ва тренировка курслари, соғлом турмуш тарзи платформалари каби рақамли таълим технологияларида орқали мамлакат аҳолиси саломатлигини таъминлашга қаратилганлиги билан характерланади. Оммавий шаклда спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг замонавий амалиётида барқарор ривожланиш, ижтимоий бошқарув ва институционал ёндашувга асосланган илмий назариялардан кенг фойдаланилиб, уларни қуйидаги тртибда изоҳлаш мумкин бўлади:

спортчиларни тайёрлаш тизими бошқарувининг барқарор ривожланиш ёндашувларигаа кўрса амал қилишида “мамлакат аҳолиси ўртасида кенг қамровли спортни ривожланиши ҳисобига жамиятда соғлом турмуш тарзини кафолатланиши”[1] ҳисобига юқори самарадорликка эришиш мумкинлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган ҳисобланади. Шу билан биргаликда, оммавий спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришда жамоавий ва индивидуал спортчилар заҳираларини аҳоли ўртасидаги иқтидорларни ўз вақтида аниқланиши ҳисобига янада мустаҳкамлашга эришиш имкониятига эришилади;


спортчиларни тайёрлаш тизимининг ижтимоий бошқарув назариялари “мамлакатда кенг қамровли оммавий спортни ривожлантириш орқали аҳолининг соғлом турмуш тарзига эришишда спорт соҳасидаги давлатнинг ваколатли органлари ва мутасадди ташкилотлари, турли жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, хусусий сектор вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этилиши”[2] га қаратилган ҳисобланади. Шунингдек, бу турдаги илмий ёндашувга асосланган назарияларда устуворлик давлат ва хусусий сектор ўртасидаги аҳолининг соғлом турмуш тарзини кафолатлаш билан боғлиқ бўлган ўзааро шерикчилик (ДХШ) механизмига асосланган бошқарувнинг ривожланиши учун тегишли шарт-шароитларни яратишга имкон беради;

спортчиларни тайёрлаш тизими бошқаруви амал қилишида институционал ёндашувга асосланган илмий назарияларнинг қўлланилиши “мамлакат аҳолисининг ёши, уларнинг жинсидан келиб чиқиб аҳолининг жисмоний, репродуктив, руҳий, ақлий саломатлиги, давлат томонидан кафолатланган саломатликка эришиш имконини берувчи спорт машғулотларини бажариш бўйича юкламалар, овқатланиш меъёрлари бўйича миллий стандартлар тизими, мамлакатда кенг қамровли спортни ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий-институционал асосларнинг ишлаб чиқиши ва уларнинг амалиётга жорийланиши”[3] га хизмат қилади.



1-расм. Спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг оммавий шаклларида рақамли таълим технологияларидан фойдаланишнинг умумий хусусиятлари¹

Шуни таъкидлаш керакки, оммавий шаклдаги спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришда рақамли таълим технологиялари одатда турли ижтимоий тармоқлардаги (масалан: YouTube, Instagram, Telegram) юқори малакали спорт мураббий-педагоглари, соҳа мутахассислари ва спортчиларнинг шахсий блоглари билан аҳоли учун турли гааджетлар асосида фойдаланиладиган иловалар бугунги кунда глобал даражада кенг фойдаланилиши билан характерланади. Жумладан, мзкур бошқарув шаклида фойдаланиладиган рақамли таълим технологиялари оммавийликка қаратилганлиги, мобил илова ва рақамли платформалар интерфейсининг оддий ва тушунарли тартибда ишлаб чиқилганлиги ҳисобига аҳолининг барча ёш гуруҳлари учун бирдек мос келишига эришилган ҳисобланади.



¹ Муаллиф томонидан тузилган

1-расм. Спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг таркибий тузилиши²

Иқтисодий фанда спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг жамоавий, индивидуал ва оммавий шакллари бўйича рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш амалиёти бўйича ўтказилган тадқиқотларимиз натижалари асосида уларнинг умумий хусусиятлари сифатида (1-расмга қаранг) ахборот олим имкониятларини тузкорлиги, катта ҳажмдаги маълумотлар базаси таҳлиliga асосланган бошқарув қарорларини қабул

қилиш, видео ва таҳлилий воситалардан, жумладан, масофавий таълим имкониятларидан фойдаланиш, ҳамда сунъий интеллектга асосланган автоматлаштирилган тизимларни шакллантириш каби жараёнларни келтириб ўтиш мумкин бўлади.

Умумий ҳолатдаги спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқариш амалиётини тадқиқ этишда Х. Минтзберг “спорт менежменти тизимининг беш таркибий тузилиши”[4] борасидаги тадқиқотида жамоавий, индивидуал ва оммавий шаклдаги бошқарув амалиётлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик муносабатларининг тегишли спорт клублари, федерциялари, бирлашмалари, ваколатли органлар томонидан мувофиқлаштирилиши йўналишидаги фаолиятларда мувофиқлаштирилиши ҳисобига миллий даражадаги бошқарув тизимини таркибий жиҳатдан шаклланиши жараёни илмий жиҳатдан асослаб берилган ҳисобланади. Мазкур олинган илмий натижа асосида мамлакатда спортчиларни тайёрлаш тизими бошқаруви таркибий компонентлари сифатида жамоавий, индивидуал ва оммавий шаклдаги бошқарув элементлари ўртасидаги интеграциялашувнинг чуқур ўрнатилиши (1-расмга қаранг) ҳисобига юқори самарадорликка эришиш имконини беради, деган хулосага келиш мумкин бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жамоавий ва оммавий шаклдаги спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришда юқори даражадаги самарадорликка эришишда ҳар иккала бошқарув шаклида ҳам иложи борица спортчилар ўртасида индивидуал ёндашувга асосланган бошқарув воситаларидан фойдаланишга устуворлик қаратиш талаб этилади.

Шу билан биргаликда, ўрганишларимиз асосида жамоавий, индивидуал ва оммавий шаклдаги спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришда рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш амалиётининг ўзаро фарқли жиҳатлари тизим бошқаруви ва унду рақамли таълим технологияларидан фойдаланишнинг мақсади, технологик таъминоти тури, қўлланилаётган ёндашув, назоратни амалга ошириш ва эришиладиган самарадорликни таъминлаш йўналиши каби омиллар орқали намоён бўлишини аниқлашга эришдик. Спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг жамоавий, индивидуал ва оммавий шакллари бўйича рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш амалиётининг биз томонимиздан аниқланган ўзаро фарқли жиҳатлари бўйича маълумотлар 1-жадвалда келтириб ўтилди.

1 -жадвал

² Муаллиф томонидан тузилган

Спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг жамоавий, индивидуал ва оммавий шаклларида рақамли таълим технологияларидан фойдаланишнинг ўзаро фарқли жиҳатлари³

№	Кўрсаткичлар	Жамоавий спорт	Индивидуал спорт	Оммавий спорт
1	Мақсади	Жамоавий юқори натижага эришиш	Спортчининг шахсий натижасини ошириш	Аҳоли саломатлигига эришиш
2	Фойдаланиладиган рақамли таълим технологиялари	Capture Motions + GPS	Wearable Devices + AI	Мобил иловалар
3	Ёндашув	Жамоавий ёндашувга асосланган	Индивидуал ёндашувга асосланган	Универсал ёндашувга асосланган
4	Назорат шакли	Жамоавий назорат	Аниқ йўналишдаги шахсий мониторинг	Умумий саломатлик статистикаси
5	Самарадорликка эришиш йўналиши	Тўғри тактикани шакллантириш	Мотивацияни тўғри белгилаш	Персонал даражадаги оптимизация

Бизнинг фикримизча, спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг жамоавий, индивидуал ва оммавий шакллари бўйича рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш амалиёти ҳисобига бошқарув трансформацияси жараёни вужудга келиб, бунинг пировардида ҳар бир шакл бўйича қуйидаги натижаларга эришиш мумкин бўлади:

жамоавий спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришда рақамли таълим технологияларидан фойдаланилиши ҳисобига бошқарувнинг жамоавий спортдаги координациялашуви ва стратегик устуворлигини таъминлаш самарадорлиги ортади;

индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизими бошқарувига рақамли таълим технологияларини жорий этилиши спортчининг шахсий кўрсаткичларини ривожланишини сезиларли даражада ошириш имкониятини яратади;

спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг оммавий шаклида рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш ҳисобига аҳолининг турли мусобақалардаги иштироки самарадорлигини ошириш билан биргаликда, белгиланган саломатлик мақсадларига эришиш бўйича мотивацион ҳаракат нуқталарини тўғри белгилаш имконияти кенгаяди;

спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг жамоавий, индивидуал ва оммавий шакллари кесимида рақамли таълим технологияларнинг жорийланиши ҳисобига умумий ҳолатдаги миллий спорт менежменти тизимининг самарадорлигини кенг қўламли маълумотлар таҳлили асосида ривожланиш устуворликларини тўғри белгиланиши ҳисобига сезиларли даражада ошириш имкониятига эришилиб, мамлакат

³ Муаллиф томонидан тузилган

спортини глобал даражада ривожлантириш билан биргаликда, аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини ва уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширишга эришилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. The 2030 Agenda for Sustainable Development's 17 Sustainable Development Goals (SDGs) URL: https://sdgs.un.org/sites/default/files/2020-09/SDG%20Resource%20Document_Targets%20Overview.pdf
2. Darnell S. Sport for Development: What Game are We Playing? by F. Coalter. International Journal of Sport Policy and Politics, Vol. 7 (2), 2014. – pp. 1-3. DOI: 10.1080/19406940.2013.856335
3. The Politics of Sport Development: B. Houlihan, A. White. Journal of Epidemiology and Community Health, Vol. 57 (8), 2003. – 639-649
4. Mintzberg H. Structure in Fives: Designing Effective Organizations. Englewood Cliffs, NJ: Prentice-Hall. 1983. – 305 pages